**Сергели туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабида “Сифатли таълим-тарбия — бош вазифамиз” шиори остида анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Тўрт юздан зиёд педагог 14 шўъбада ўз йўналиши бўйича тажриба алмашди.**



Йиғилиш иштирокчилари ўтган ўқув йили якуни бўйича таълим сифати мониторинги, фан олимпиадаси ва билимлар беллашувида ўқувчиларнинг ўзлаштиришида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича аниқ, самарали усулларни таклиф этди. Жумладан, ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлик кўришига эришиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, фан методбирлашмалари ва методика кенгашлари фаолиятини кучайтириш, ёш педагогларга методик кўмак берилишини йўлга қўйиш, ХТХҚТМОИ билан ҳамкорлик ўрнатиб, методик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ижобий қабул қилинди.

— Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларининг билимидаги бўшлиқни аниқлаб, ўзлаштирилиши мураккаб бўлган мавзуларни тушунтиришга алоҳида ёндашиш, иқтидорли болалар билан шуғулланиш жараёнида методик ёрдамга эҳтиёж сезиши табиий, — дейди Сергели туманидаги 6-ИДУМ директори Дилором Эшмаматова. — Бу масалани ижобий ҳал этишда мактаб педкенгаши, методбирлашмаси, тумандаги тегишли фан услубчиси, вилоят ёки шаҳардаги методика марказининг ёрдами, қолаверса, ХТХҚТМОИ мутахассислари билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай педагогнинг ўқувчиси, албатта, юқори натижага эришади.

* * *

Олмазор туманидаги 165-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган август кенгашлари семинарида тумандаги барча таълим муассасалари ходимларининг касбий маҳорати, масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, “Оила—маҳалла—таълим муассасаси ҳамкорлиги”ни янада самарали ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

— Ўтган ўқув йили ютуқларга бой бўлди, — дейди туман ХТМФМТТЭБ мудири ўринбосари Умида Муслимова. — Янги ўқув йилида ҳам бу муваффақиятларни давом эттириш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш, педагогик жамоаларда ижодий муҳитни яратиш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида таълим масканларида “Дарс—муқаддас”, “Ўрган-ўргат”, “Мураккаб фанни ўрганамиз”, “Соғлом муҳит — соғлом жамоа” тадбирлари ўтказилди. Ўйлайманки, бугунги анжуман янги ўқув йилини янада кўтаринки руҳда бошлашга туртки беради.

Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабда ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги, ХТМФМТТЭБ, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вакиллари иштирок этиб, янги ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар хусусида фикр алмашилди. Тадбир якунида энг илғор педагоглар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**Сардор МУСТАФОЕВ,**
**“Ma’rifat” мухбирлари**

# Миллий ғоя тарғиботи

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Тадбирда соҳа мутахассислари, миллий ғоя ва маънавият тарғиботчилари, умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, методистлар, журналистлар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида халқимизнинг маънавий оламини бойиб, ҳаётга қараши ўзгараётганида давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётганини таъкидладилар.

— Анжуман глобаллашув жараёнида ҳар томонлама соғлом ва юксак маънавиятли авлодни вояга етказишда миллий ғоя ва маънавий-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиш, бу борадаги замонавий усуллар асосида назарий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди марказ раҳбари Абдухалил Маврулов. — Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар янги босқичга кўтарилди. 2001 йилдан таълимнинг барча тизимларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани жорий этилди ва алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб 25 номдаги, жумладан «Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари», «Ким эдигу ким бўлдик?!», «Ўзбекистонда виждон эркинлиги тантанаси», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Чорак аср натижалари» каби туркум буклет, ўнлаб рисола, ўқув қўлланма ва монографиялар яратилди.

Анжуманда «Миллий мафкура тарғиботининг назарий ва амалий масалалари», «Оммавий ахборот воситаларида миллий ғоя тарғиботи», «Диний қадриятлар тизимида мафкура масалалари», «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва миллий ғоя тарғиботи», «Ўзбек миллий менталитетининг шаклланишида миллий ғоя ва мафкура масаласи», «Маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш — давр талаби» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**“Ma’rifat” мухбири**

# Ота-оналар учун қулайлик

**Ота-оналар ва ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида бу йил Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 703та мактабда таҳсил олаётган 254599 нафар ўқувчи учун 86 умумтаълим муассасаси, 83 аҳоли гавжум савдо объекти ва 15 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида мактаб ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди.**

Жумладан, Нукус шаҳридаги 31-ИДУМда ташкил этилган мактаб бозори ҳам шу кунларда гавжум. Ярмаркаларни расман очилишига бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ва туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходимлари, мактаб директорлари ва ота-оналар иштирок этди. Иштирокчилар мактаб бўйлаб саёҳат қилиб, яратилган шароитлар, методбирлашмалар фаолияти билан яқиндан танишди.

— Тадбир доирасида ташкил этилган ярмаркада 26 номдаги ўқув қуроллари, мактаб формаси, пойабзаллар, хуллас, ўқувчига зарур бўлган барча сифатли ва қулай баҳодаги анжомлар сотувга қўйилди, — дейди 31-ИДУМ директори Венера Каленова. — Болаларнинг билимларни пухта эгаллашида ўқув қуролларининг аҳамияти катта. Бу ҳам ота-оналар ва ўқувчиларнинг янги ўқув йилига тайёргарлигининг бир қисми ҳисобланади. Яратилган қулайликлардан ота-оналар ҳам мамнун.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,**
**“Ma’rifat” мухбири**

# Ўқувчиларимизнинг Таиланддаги муваффақияти

Xushxabar

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида яна бир хушхабар эшитдик. Шу йилнинг 14—20 август кунлари Таиланд қироллигининг Чиангме шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича халқаро мусобақада вакилларимиз 2та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. 31 давлатнинг 600 нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчилари иштирок этган беллашувда Қоракўл туманидаги 18-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жаҳонгир Норбоев, шу тумандаги 1-ИДУМИнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳбоз Ҳасанов, Яккабоғ туманидаги 37-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шоҳбек Маҳмудов, Китоб туманидаги 1-ИДУМИнинг 7-синф ўқувчиси Элдор Неъматов миллий терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.







Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб узлуксиз таълим сифатини оширишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик кун сайин ўз самарасини бераётир. Замонавий шароит ва имкониятга эга мактабларда билим олаётган ўғил-қизларимиз бугун юртимиз миқёсидаги билимлар беллашуви, фан олимпиадаси сингари интеллектуал мусобақаларда муваффақиятли қатнашиш билан бирга, халқаро майдонда ҳам ўз салоҳияти ва иқтидорини намоён этиб, юртимиз номини жаҳонга ёймоқда. Жумладан, ўн тўрт йилдан буён мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган математика бўйича халқаро мусобақа ўзбек ўғил-қизларининг билим ва салоҳиятини дунё аҳлига намоён қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан икки йил олдин Жанубий Кореянинг Тэжон шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мусобақада вакилларимиз илк бор қатнашганда ҳам 31 давлатнинг 600 нафарга яқин ўқувчилари орасида умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаганди. Ўтган йили Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтказилган беллашувда ҳам вакилларимиз қўли баланд келиб, 29 давлатнинг 627 нафар ўқувчиси ўртасида яна фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтган эди.

Тажрибада кузатилдики, мусобақада берилаётган масалалар йилдан-йилга мураккаблашиб, ҳақиқий билимдонликка қўйилган талаблар ортиб бормоқда. Шу маънода, вакилларимизнинг дунёнинг 30дан ортиқ ривожланган мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд иқтидорли ўқувчилар орасида совринли ўринни эгаллаши юксак матонат белгисидир.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу мусобақага тайёргарлик ишлари ўтган ўқув йилидан бошланиб, билимлар беллашувининг туман(шаҳар) босқичида 1—5-ўринларни эгаллаган 350 нафардан ортиқ 7-, 8-синф ўқувчилари икки турда сараланди.

— Иккинчи босқичда иштирок этиш имкониятини қўлга киритган 23 нафар ўқувчини Тошкент шаҳрида жамлаб, улар орасидан берилган 10та масалани тўғри бажарган тўрт нафар ўқувчи 100 баллик кўрсаткич билан халқаро мусобақада қатнашиш учун миллий терма жамоамизга қабул қилинди, — дейди халқаро тоифадаги ҳакам Шуҳрат Исмоилов. — Иштирокчилар билан бир ой давомида математика фанининг халқаро стандартларга мос масалалар ечимлари устида ишладик. Жараёнда ўқувчилар содда фазовий фигуралар ва уларнинг таркибий қисмларини тасаввур қилиш, шарҳлай олиш, сонларнинг бўлиниш муносабатига ва жуфт-тоқликка оид ностандарт масалаларни еча олиш, мураккаб бўлмаган ясси фигуралар комбинациялари хоссаларидан фойдаланиб, ностандарт геометрик масалаларни ечиш, комбинаторикага оид ностандарт масалаларни еча олиш, арифметик ҳисоб-китоб техникасига оид қизиқарли, ностандарт ва матнли масалаларни еча олиш, симметрияга оид геометрик масалаларни еча олиш компетенцияларини ўзлаштирди. Эътиборлиси, ушбу мусобақа иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятини юқори даражада ривожлантиришга қаратилган бўлиб, математика фанини ўқитиш методикаларини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартларга мувофиқ янгилашга хизмат қилади.

Халқаро математика мусобақаси икки босқичда — шахсий ва жамоалар ўртасида ўтказилди. Шахсий беллашувда ўқувчиларга 15та масала тақдим этилиб, натижаларга кўра, Элдор Неъматов ва Шаҳбоз Ҳасанов бронза медаль, Жаҳонгир Норбоев ва Шоҳбек Маҳмудов фаол иштироки учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Жамоалар беллашувида ўқувчиларга 10та масала берилди. Жамоамиз аъзолари 8та масалани тўлиқ ечиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади ва мусобақа кубоги билан тақдирланди.

**Илҳом ЖЎРАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda




# Интеллектуал салоҳиятли ёшлар форуми

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ёш мутахассислар" IV республика форумини ўтказди.**

Форумда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани қайд этилди.

Ўзбекистонда ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Ёш мутахассислар" IV республика форуми ёшларнинг етук мутахассис бўлиш каби интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғоя, лойиҳа ва ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёш мутахассислар фаоллигини ва мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилаётир.

Бу йил форум доирасида уч босқичда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ўтказилиб, унинг қуйи босқичларида 14 номинация бўйича 6 мингга яқин ёш мутахассис қатнашди. Ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган йигит-қизлар "Ёш мутахассислар" IV республика форумида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Форумда ёш мутахассисларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янги лойиҳалари, улар натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлигининг ортиши, инновацион ишланмаларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, ёшларнинг ноёб кашфиётлари юзага чиқарилди. Масалан, «Максам-Чирчиқ» жамиятида катализатор ишлаб чиқариш цехи технологи Арсен Алиев ўз лойиҳасида хориждан келтирилаётган металл катанка хом ашёси ўрнига «Ўзкимёсаноат» корхоналарида аммиакни синтез қилиш технологиясида ишлатилаётган катализатор чиқиндисидан фойдаланишни таклиф этмоқда.

— Мазкур лойиҳани амалиётга татбиқ этиш орқали махсус катализатор олиш катта фойда келтиради, — дейди А.Алиев. — Лойиҳани амалиётга татбиқ этиш натижасида бир тонна маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан келтирилаётган хомашё нархига нисбатан қарийб уч миллион сўм тежалади.

«Навоийазот» жамияти вакили Беҳзод Шералиев лойиҳаси йирик қувватли аммиак ва азот кислотаси маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида катта қувватли электродвигателлар ўрнига буғ билан ҳаракатга келтирилувчи турбиналарни ишлатиш орқали корхоналарда катта ҳажмдаги электр энергиясини тежаш имконини беради. Бу маҳсулот таннархини пасайтириб, рақобатбардошлигини оширади.

Форумда Касаба уюшмалари федерацияси жорий йилда илк маротаба мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказган "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови ғолиблари ҳам қатнашди.

Форум иштирокчилари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиб, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Бўстон" санаториясида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган "Ким эдигу, ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак" мавзуида тарғибот тадбири ўтказилди. Ёшларнинг иқтидори ва қобилиятини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ижтимоий мослашув, "устоз-шогирд" анъанаси, ёш кадрларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини оширишга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Турли тармоқларда самарали меҳнат қилаётган ёш мутахассисларнинг касб фаолиятига оид кўргазмалар ташкил этилиб, ёш мутахассисларнинг илғор ишланма ва лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ташкил этилган тақдирлаш маросимида Жиззах политехника институтининг катта ўқитувчиси Жамшид Абдуназаров, Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг бино ва иншоотлар кафедраси доценти Саид Шоумаров ҳамда Навоий вилояти Навбаҳор енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Диёра Қаҳҳоровага Касаба уюшмалари федерациясининг гранти топширилди.

Тадбир санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

Ma'rifat

2016-yil 27-avgust, № 69 (8926)



# Пухта ўйланган вазмин сиёсат

## Ўзбекистоннинг довруғини оламга ёйди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакат ва миллат жар ёқасида турарди. Биргина йўл қўйилган хато мамлакатимиз тарихий тақдирини мутлақо бошқа томонга ўзгартириб юбориши мумкин эди. Бир томондан, мавжуд совет тузумини сақлаб қолишга "тиришганлар", бошқа тарафдан, Ўзбекистонни "ислом давлати"га айлантиришга аҳд қилганлар, учинчи томондан янги "изм" ишлаб чиқишга қилинган ҳаракатлар мамлакат фуқароларини шошириб қўйди, ягона тўғри йўлни топиш мушкул ишга айланди. Бу ҳолатни Юртбошимиз "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" асарида қуйидагича баҳолайди: "Биз ўтган асрнинг 90-йилларида, энг оғир ва таҳликали бир шароитда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, четдан бўлган турли тазйиқлар ва сохта ваъдаларга учмасдан, Ўзбекистонимиз учун яккаю ягона тўғри, яъни тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, узоқни кўзлаб, етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, пухта ўйланган вазмин сиёсат олиб борганимизни бугун ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаб бермоқда".

Диққат-эътиборингизни юқоридаги иқтибосда келтирилган бир фикрга қаратмоқчимиз: пухта ўйланган вазмин сиёсат! Хўш, вазмин сиёсатнинг ўзи нима? Вазмин сиёсат энг аввало, инсоннинг, ҳукмрон сиёсий кучнинг ақлга, тафаккурга амал қилиши, мавжуд ҳолатни таҳлил қилишда ҳар қандай субъективликни инкор этиши, объектив борлиқни эътиборга олишидан иборат. Одатда ҳар қандай ўтиш даврларида "ўнг"га ва "сўл"га оғишлар кузатилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам муайян даражада радикал хулосага олиб келади. Бу — ўта хавфли. Шундай пайтда ўрта йўлни танлай билиш ҳамда жамият фуқароларининг манфаатларига мос сиёсий йўлни топа билиш энг аввало, сиёсий сергаклик ва билимдонликни талаб этади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошидаги реал ҳолат ана шундай ўрта йўлни танлаб, мақсадни тўғри англаб етишни устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйди. Бунинг учун даставвал биз нима учун 74 йил давом этган "совет мустабид тузуми"дан воз кечганимизни англаб етишимиз лозим эди, зеро у даврда ҳали собиқ СССРни, ҳукмрон компартияни қўмсовчилар кўп бўлиб, бошқача айтганда, ўтмишдан сабоқ олишимиз керак бўлди. Одамларимизга шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик даврларида мақсад ва уларга эришиш йўллари бутунлай бузилиб, сохталаштириб юборилганини тушунтириш, асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилинганини, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилганини, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетганлигини, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қўйганликларини тушунтиришимиз зарур эди. Ушбу фикрлар мамлакат раҳбари томонидан 1990 йил 5 июнда баён қилинган эди.

Умуман, мамлакат раҳбарияти ўз олдига тоталитар-мустабид тузумдан воз кечишни мамлакат ва миллат ривожланишининг энг асосий шарти сифатида вазифа қилиб қўйди. Хўш, тоталитаризмнинг ўзи нима эди? "Тоталитаризм" марказлаштирилган ҳокимиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб борадиган, уларни тўлиқ назорат остига оладиган сиёсий бошқарув шаклини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Бундай жамиятда барча ваколатлар давлат ва маъмурият қўлига ўтади, бошқарувда маъмурий буйруқбозликни қўллаб-қувватловчи якка мафкуравий ҳукмронлик ўрнатилади, ҳукмрон, нияти бузуқ гуруҳлар манфаати қўлида халқ оммасига таъсир этиш мақсадида тўқиб чиқарилган вульгар-ижтимоий афсоналар авж олади, миллий тил, миллий қадриятлар, анъаналар, миллий ғурур ва ватанпарварлик камситилади, миллий ўзликни англаш жараёни миллатчилик ва бошқа "назариялар" асосида йўққа чиқарилади.



Бизнинг 1917—1991 йиллар оралиғида шаклланган тоталитар мустабид тузум ҳақида бу даражада батафсил тўхталганимизнинг боиси бор. Айримлар совет давлатининг баъзи "эркинлик"ларини, "қорин ғамида" юрганлар муаммоларининг ҳал этилганини, дунёвий таълим муассасалари ю маданият ўчоқлари барпо этилганини "янги замон"нинг оҳанрабоси сифатида қабул қиладилар. Ваҳоланки, ўша ўзгаришлардан кўзда тутилган том маънодаги мақсад — мустамлакачиликни янада кучайтириш, Ўзбекистонни собиқ СССРнинг хомашё базасига айлантириш, барча соҳаларда, аввало таълим, маданият жабҳаларида ҳар қандай миллий тараққиётга қарши якка мафкуравий зуғумни айрим ватандошларимиз кўра билмадилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли ана шундай фуқаролар "кўзини очиш", уларга тўғри йўлни кўрсатиш, кишилар тафаккурида ислоҳотлар ўтказиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун эса стратегия ва мақсадни тўғри белгилаб олиш лозим эди. Қолаверса, кечагина коммунистик дунёқарашни ягона тўғри йўл деб билган айрим ватандошларимизни танланган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш осон кечмасди.

Бутун инсоният томонидан қўлга киритилган ютуқлару бой берилган имкониятлар, бунёдкорлигу вайронагарчиликларнинг сабаби ҳам аслида танланган йўлнинг тўғри ёки нотўғрилигидир. Бундан икки ярим минг йил аввал яшаган Конфуций бу борада шундай дейди: "Мақсаднинг ортидан тез чопиб бўлмайди. Кичик фойдани кўзлаб бўлмайди. Мақсаднинг кетидан тез чопсанг, аксинча мақсадингга етиша олмайсан. Кичик фойдани кўзласанг, катта ишларни бажара олмайсан". Дарҳақиқат, ушбу иқтибоснинг ўзи ҳам тўғри мақсадни танлаш қай даражада мураккаб эканлигидан дарак бериб турибди.

Хўш, мустақиллик йилларида бу масала Ўзбекистонда қай даражада ҳал этилди? Яхшиси, бу саволга мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июнда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосланиб жавоб берган маъқул: "Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "Ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда".

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, "ўзбек модели" мустақиллик йилларида катта синовдан ўтди. Айниқса, жаҳон ҳамжамияти, иқтисодчилар, сиёсатчилар ушбу атамага 2008 йилдан бошлаб жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз пайтида кўпроқ эътибор бера бошладилар. "Ўзбек модели"нинг назарий-концептуал асослари, Юртбошимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" (1992 йил), "Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" (1993 йил), "Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик" (1993 йил) каби асарларида чуқур ва ҳар томонлама батафсил кўрсатилган бўлиб, бунинг аҳамиятини бугун ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Мазкур моделнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — республикамизда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишда стратегик мақсадларнинг тўғри белгилаб олинганидир. Улар қуйидагилардан иборат: одамлар турмуш даражасини яхшилайдиган, мунтазам ривожланиб борадиган иқтисодий тизимни барпо этиш; кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш; иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш; илғор технологияларни жорий қилиш; кенг кўламда аграр ислоҳотларни ўтказиш; аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш; мамлакатимиз экспорт қувватини жадал ривожлантириш; хорижий сармояларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш.

Санаб ўтилган стратегик мақсадлар аслида жуда пухта ўйлаб, илмий жиҳатдан асослаб берилган амалиётнинг натижасидир. Бунда, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган аср 90-йиллари бошидаги ҳолати, миллий хусусиятлар, шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатлари амалиёти уйғунлигига алоҳида эътибор берилган. Бошқача айтганда, таъкидлаб ўтилган стратегик мақсадлар пировард натижада "ўзбек модели"нинг таркибий қисмлари ҳам ҳисобланади.

Беш тамойилни ўз ичига олган тараққиётнинг "ўзбек модели" қуйидагилардан иборат бўлди: иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши, ички, ташқи сиёсатни, иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи ташкил этишни таъминлаш лозим; ўтиш даврида давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак, у ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт; қонун устуворлигига эришиш, яъни, Конституция ва барча қонунларни ҳар бир киши ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши, уларга оғишмай риоя этиши лозим; аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш талаб этилади; бозор иқтисодиётига "инқилобий сакрашларсиз", эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтилиши таъминланиши керак.

Юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг амал қила бошлаганига ҳам 20 йилдан ошди. Хўш, бу борада биз нималарга эришдик, реал ҳаётимиз ва турмушимизда қандай сифат ўзгаришлари рўй берди? Келинг, яхшиси, бу саволга "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?", деган саволга жавоб бериш асносида эътибор қаратсак:

**КЕЧА** — Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, фақат хомашё базасидан иборат бўлган, уйимизнинг томларию токчаларидан бошқа ҳамма жойга пахта экишга мажбур қилинган, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум бўлган аграр республика эди.

**БУГУН** — Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширган, замонавий корхоналарга эга, уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаган индустриал давлатга айланиб бормоқда.

**КЕЧА** — Ўзбекистон фуқаролари асосий озиқ-овқат товарлари, аввало ғалла, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан четдан келтириладиган шундай маҳсулотлар ҳисобидан қопланган, собиқ марказга қарам ҳисобланган ўлка эди.

**БУГУН** — Ўзбекистон ўша маҳсулотларнинг қарийб 96 фоизини ўзи ишлаб чиқараётган, қишлоқ хўжалигида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилган, фермерлик ҳаракати учун кенг имкониятлар яратилган, замонавий қишлоқ хўжалиги соҳасига эга бўлган мамлакатга айланди.

**КЕЧА** — ўзи ва оиласи учун етарли ер майдонига эга бўлмаган, ўзи хоҳлаган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳуқуқидан маҳрум этилган, эски, тор кўчалару гувалалардан қурилган пастқам уйларда яшаган миллат эдик.

**БУГУН** — биз уй-жой билан таъминланган, 2009—2015 йиллар мобайнида 1167та қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 56557та уй-жой барпо этилган, муносиб турмуш учун барча инфратузилмаларга эга замонавий қишлоқларда истиқомат қилаётган бахтли инсонлармиз.

**КЕЧА** — биз, совет давридаги зулм ва қўрқувга асосланган мафкура, сиёсатнинг таъсири қон-қонимизгача сингиб кетган, ичимизда доимий равишда ҳадик ва қўрқув ҳукмронлик қилган, ўз тарихини холис ўрганишдан маҳрум этилган, маргинал — аросатда қолган кишилар эдик.

**БУГУН** — биз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат миллий мафкурамизнинг бош ғоясига эга бўлган, юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилларига содиқ бўлган, улардан мамлакат ва миллат равнақи йўлида унумли фойдаланишнинг уддасидан чиқаётган миллатмиз.

**КЕЧА** — биз, совет мафкураси томонидан маданиятсиз, саводсиз дея камситилган, минг йиллар давомида шаклланган урф-одатлари, миллий қадриятлари поймол этилган, ўзининг тарихий хотирасини йўқотишга маҳкум этилган эдик.

**БУГУН** — биз, маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган, мамлакат ва жамиятдаги мавжуд муаммоларни маънавий-маърифий йўллар, усуллар билан ҳал этишни ўз бурчи деб билган, ўз маънавий замин ва илдизларини яхши билган, улардан ҳақли равишда фахрлана оладиган фуқаролармиз.

Шубҳасиз, сизу биз — барчамиз юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ўз салоҳиятимиз даражасида янада кенгроқ давом эттиришимиз мумкин. Зеро, "Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?", деган саволга мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда юзлаб, минглаб ҳаётий, аниқ мисоллар орқали жавоб келтириш мумкин. Қолаверса, эришган ютуқларимизнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган тўғри, одилона сиёсатнинг натижаси, тараққиётнинг "ўзбек модели" самараси ҳисобланади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисида гапирарканмиз, яна бир нарса хусусида тўхталишни лозим топдик. Бу яқин ва узоқ мамлакатларда тобора кучайиб бораётган ва жамиятда норозиликларни юзага келтираётган ижтимоий табақаланиш масаласидир. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, дунёда ижтимоий табақаланишнинг кучайиб бориши оддий халқ билан давлат, сиёсий элитанинг кучли зиддиятларига сабаб бўлмоқда. Бу — ўта хавфли жараён ҳисобланади.



Ўзбекистонда эса мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақаланиш даражасини пасайтиришга эътибор қаратилаётгани, аниқроқ айтадиган бўлсак, ўта бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмасин, деган тамойилга амал қилиб келинаётганлиги ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бугун юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни "децил коэффициенти" деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб келаётир. Бу рақам 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 7,7 фоизга тенг келмоқда. Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода қиладиган яна бир халқаро кўрсаткич барчамизни бирдек қувонтиради: Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280ни ташкил этди. Бу дунёдаги кўплаб ривожланган давлатлардагига қараганда, ижобий кўрсаткичдир.

Юртбошимизнинг жамиятда ўта бой ҳам, камбағал ҳам бўлмасин, деган шиори тасодифан пайдо бўлган ҳодиса эмас. Бунга ўзбек миллий қадриятлари, ислом динида ҳам алоҳида эътибор берилган. Ислом динида "васатия", деган сўз бор. Бу ўзбекчага ўгирилса, мўътадиллик деб таржима қилинади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг васатияси бор. Жумладан, бу нарса иқтисодий муаммоларга ҳам кўпроқ тегишлидир. Доктор Аҳмад Умар Ҳошим шундай дейди: "Васатия истилоҳда шахсни ҳаддан ошиш ва камчилик содир этиш тарафларига оғиб кетишдан сақлайдиган мақтовли ҳолатдир. Бошқача қилиб айтганда, у икки тараф орасида бирибиридан устун бўлиб кетмайдиган тарзда мувозанат ва адолатни сақлашдан иборатдир. Бунда чегарадан чиқиш ёки нуқсонга йўл қўйиш, ашаддий қаттиқ олиш ёки ўта бўш қўйиб юбориш бўлмайди. Балки, афзалига, адолатлисига, яхшисига ва мукаммалига эргашилади".

Демак, Ўзбекистон жамиятида ўта бой ҳам, камбағал ҳам бўлмаслигининг таъкидланиши — аслида миллий қадрият, мамлакатда мувозанат ва адолатни таъминлашнинг тўғри йўли ҳисобланади.

Жамиятда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуш тарзи, ҳаётдан мамнунлиги кўп жиҳатдан мамлакат раҳбарининг сиёсатига боғлиқ. Президент Ислом Каримов мустақилликка эришиш остонасида, истиқлолнинг дастлабки пайтларида жамият ва миллат тақдирига ўзининг масъуллигини бот-бот таъкидлаган эди. Давлат раҳбари ўз ваъдасининг устидан чиқди, мувозанатли, адолатли жамият барпо эта олди.

Энди масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ҳукмдорлар, давлат бошлиқлари ўз сиёсатини олиб бориши, бундан ўзлари, атрофдагилар қониқиш ҳосил қилишлари мумкин. Аммо бу сиёсатдан халқ қониқиш ҳосил қилмаса, унга бефарқ бўлса – бу қатор салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Халқ ўз раҳбарининг тўғри сиёсат олиб бораётганига ишонч ҳосил қилгандагина унга эргашади. "Ҳукмдорнинг амаллари тўғри бўлса, —дейди Конфуций, — у фармойиш бермаса ҳам халқ барибир бажаради. Ҳукмдорнинг амаллари қинғир бўлса, у фармойиш берса ҳам халқ унга итоат этмайди" (Конфуций. Суҳбат ва мулоҳазалар. – Тошкент, 2014. -120-бет)

Ана энди Ўзбекистонда мустақилликнинг 25 йили давомида эришган ютуқлару муваффақиятларнинг туб сабабини англаш пайти келди: асосий сабаб, бир томондан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги сиёсатнинг тўғри эканлиги, танланган мақсаднинг халқимиз манфаатларига мос келиши, иккинчи томондан, фуқароларимизнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда давлат сиёсатининг тўғрилигига, шунингдек, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бориши билан белгиланади.

Мамлакатимизда эришилаётган барча ютуқлар тўғрисида фикр юрита туриб, бир хулосага келдик: жамиятни бошқаришда албатта, адолат билан иш тутиш принципи қўл келмоқда. Қонунларга риоя этиш асосий талабга айланди. Халқ манфаатлари билан давлат манфаатлари уйғунлашмоқда. Ана шу вазифалар давлат сиёсатининг ахлоқ нормалари билан уйғунлашувисиз амалга оширилса, ҳеч қандай натижа бермаслиги аниқ. Мустақиллик ғояларини маънавият ва маърифат билан уйғунликда амалга ошириш, ахлоқ нормаларига, миллий характеримизга хос ҳодисаларга алоҳида эътибор бериш ва маърифатли жамият барпо этиш барчамизнинг саъй-ҳаракатимизда намоён бўлиб турибди.

Бугун Ўзбекистон фуқаролари ана шу маърифатли жамиятнинг аъзоларига айланишди, уни шакллантиришда фаол иштирок этган кишиларнинг турмуши фаровон, орзулари амалга ошмоқда. Мутафаккирлар қайд этгани каби, жамият аъзолари маъмурий-буйруқбозлик билан бошқарилса, унинг хатти-ҳаракатлари таъқиб-тазйиқлар билан тартибга солинса, оддий халқ мажбуран ўзини жиноят содир этишдан тийиб туради, лекин жиноятнинг иснодлигини англаб етмайди. Агар одамлар мурувват ва ишонтириш йўли билан бошқарилса, ахлоқ қоидалари, адолатга асосланган ҳолда йўлга қўйилса, бундай халқ эгри иш қилиш иснодлигини тушунади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолиси бугунги кунга келиб давлатимиз сиёсатини, унинг туб замирида қандай мақсадлар мужассамлигини англаб етди. Эришилаётган барча ютуғу муваффақиятларнинг асосини мустақиллик каби буюк неъмат, муқаддас туйғу ташкил этишини ҳам онгли равишда тушуниб етмоқдалар. "Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интилаётган бизнинг халқимизни, ҳеч қандай куч тўхтатолмайди" дейди Юртбошимиз.

Ўзбекистон халқи, унинг кўп миллатли аҳолиси мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Қайси бир юртдошимиз билан суҳбатлашманг, унинг юз-кўзида энг улуғ, энг азиз айёмдан қувониш, уни қўллаб-қувватлаш, мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишдек кўтаринки кайфият борлигини кўрасиз. Ўз тақдирини миллат ва Ватан тақдири билан боғлиқ ҳолда кўрадиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, юртпарвар ва элпарвар кишилардагина худди шундай ҳолат юз беради.

**Абдухалил МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор**

# Намунали маҳаллалар сараланди

***Самарқандда “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.***




## Kuchli davlatdan – kuchli fuqarolik jamiyati sari

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу давлат ва жамият ҳаётида маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда. Айтиш мумкинки, бугун маҳалла аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди.

Мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, оилавий низоларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки олти ойида фуқаролар йиғинлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга 91 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбир, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг мазмуни ва аҳамиятига бағишлаб 77 мингдан зиёд тарғибот тадбири ташкил этилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режаси доирасида 65 мингга яқин тадбир ташкил этилди. Шу билан бирга, ёш авлоднинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш, уларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга кўмаклашиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсатаётган “Ота-оналар университети” томонидан 55 мингга яқин тадбир ўтказилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида чекка туман ва қишлоқлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 минг 680 нафар аҳолига кийим-бош тўпламлари берилди. 250 га яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг суннат тўйлари ўтказилиб, улар номига очилган омонат дафтарчаларининг ҳар бирига 1 миллион сўмдан маблағ туширилди. 5 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийси, ёлғиз кексалар, ногиронларга 1 миллиард 590 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кексаларнинг ҳар бир сўзи ёшлар учун ибрат, ҳаёт йўли мактабдир. Шу боис «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» деган ҳаётий саволнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш мақсадида маҳаллаларда бевосита кексалар иштирокида «Икки авлод учрашуви», «Эъзоз», «Эҳтиром» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинаётир.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танлови фуқаролар йиғинларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, тизим фаолларининг билим ва малакасини ошириш, улар ўртасида илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу йил энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган танлов ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилгани билан бирга, тизим ходимларининг жойларда маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кенг кўламли вазифаларни самарали йўлга қўйишдаги билим ва тажрибасини, масъулиятини янада оширишида ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Танловнинг апрель-май ойларида ўтказилган туман (шаҳар) босқичларида 9 минг 764 фуқаролар йиғини иштирок этиб, уларнинг 193 таси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида яна бир бор синовдан ўтди. Улар орасида биринчи ўринни эгаллаган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ташкил этилган мамлакат босқичида уч шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

Иштирокчилар биринчи шартда ўз ҳудудларида амалга ошираётган ишлари, эришилган ютуқлар, намунали иш тажрибаларига оид тақдимотни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар, асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари фаолияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, “Ота-оналар университети” фаолиятини намунали йўлга қўйиш, “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ишлар, жойларда соғлом маънавий муҳит, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифий ишларни ташкил этиш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби йўналишларга эътибор қаратилди.

Иккинчи шартда иштирокчиларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир қонунчилик ҳужжатларига оид билими, юзага келаётган масалалар ечимини топиш юзасидан малакаси, дунёқараши синовдан ўтказилди. Айниқса, ушбу шартда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда берилган саволларга қайтарган жавоблари ҳакамлар ҳайъати томонидан қонунийлик, ошкоралик ва адолат тамойиллари асосида баҳоланди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳозиржавоблиги ва дунёқараши синовдан ўтказилди.

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Наманган вилояти Наманган шаҳридаги “Фурқат” маҳалла фуқаролар йиғини сазовор бўлди. Ғолибларга “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролар йиғинининг ўрни ошиб бормоқда, — дейди Навоий вилоятидаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Наврўзов. — Бунда йиғин ходимлари билан бирга маслаҳатчилар, ўнга яқин жамоатчилик комиссиялари аъзоларининг хизмати катта. Айниқса, ёшлар билан ишлашда маҳалламизда ибратли тажриба тўпланган. “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида ўқувчиларнинг давомати, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Жумладан, бу йил 18 нафар коллеж битирувчисининг банкдан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 32 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Танлов иштирокчилари асосий ўринлардан ташқари, фуқаролар йиғини фаолиятига оид бир қатор йўналишлар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

Таниқли санъаткорларнинг тинчлик, Ватан ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар Самарқанд вилоятидаги намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолияти билан танишиб, тажриба алмашди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Иқтидорли ёшлар бирлашди

## Yoshlarga oid davlat siyosati – amalda



Шаҳрисабздаги “Лочин” оромгоҳида “Юрт келажаги – 2016” республика иқтидорли ёшлар танловининг якуний босқичи ўтказилди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ижодий беллашувнинг якуний босқичида 446 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган танловда ёшларнинг илм-фан, санъат ва замонавий технологиялар борасидаги билим ва салоҳияти кўрикдан ўтди. Иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика каби йўналишларда ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Тадбир давомида ташкил этилган семинар-тренинг, анжуман, маҳорат дарси, кўнгилочар дастур ва спорт беллашувлари, кўргазмалар, маданият ва санъат вакиллари билан учрашувлар иштирокчиларга ёрқин лаҳзаларни туҳфа этди.

— Адабиётга меҳрим баланд. Шеър ва ҳикоялар машқ қилиб тураман. Ушбу танловнинг ташкил этилиши маҳоратимизни намойиш этиш имконини берди. Биз ёшлар учун яратилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Тенгдошларимнинг ижодий иш ва фикр-мулоҳазалари менда катта таассурот қолдирди. Бу каби тадбирларда ўзлаштирган билим ва тажриба келгусида асқотади, — дейди Ғаллаорол туманидаги Лалмикор саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Муҳаббат Исматова.

Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилган 44 нафар ўғил-қиз ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ**

# Селфининг салбий оқибати

**Siz nima deysiz?**

**Дугонам “Вақтинг бўлса кел, бирор жойда ўтириб, болалик, мактаб чоғларимизни эслаймиз”, деб қолди. Тушликда учрашдик. Кафе хўрандаларга тўла. Назаримда, собиқ синфдошлар бўлса керак, қий-чув, бир-бирига сўз беришмайди. Эсдалик учун суратга тушишмоқда. Улардан бири: “Қаранглар, селфи”, дея телефонида расмга олди.**

Технологиялар асрида одамзотни ҳайратга солиш анча мушкул. Илгари битта фотосурат тайёрлаш учун ҳафталаб вақт сарфланган. Ҳозир эса телефон экрани учун чиройли табассумнинг ўзи кифоя, бир зумда тарихга муҳрланасиз, қоласиз.

«Селфи» ўз-ўзимни суратга оламан, дегани бўлиб, смартфонлар пайдо бўлгандан сўнг урфга кирди. Замонавий телефон аппаратининг деярли барчасида фото ва видео қурилмаси мавжуд. Ҳатто кўпчилигининг олд томонига ҳам ана шундай объектив ўрнатилган бўлиб, уларга қараб бемалол ўз-ўзингизни суратга олишингиз мумкин. Бу «ҳунар»ни ўрганиб олган кўпчилик ёшлар йўл-йўлакай бир-бирларини исталган кўринишда суратга тушириши мумкин.

Дунё психологлари ўзини-ўзи кўп суратга туширувчи инсонлар калондимоғ ва ташқи кўриниши билан мақтанадиганлар тоифасига киради, деб ҳисоблашади. Улар нарциссизм (атрофдагиларнинг эътиборини ўзига тортиш ҳамда ўзига қарамлик) гирдобига тушиб қоладилар. Ижтимоий тармоқда ўз суратини жойлаштириш натижасида виртуал дўстларидан ёқтириш(like)ларни қабул қилиб олиш йигит-қизлар кундалик фаолиятига хос бўлиб қолди. Ёлғон тасаввур гирдобига тушиб қолиб, афсус-надомат чекаётганлар қанча. Уларда ўзини бошқалардан устун қўйиш, худбинлик иллатлари пайдо бўлади.

Тенгдошларимиз, ука-сингилларимиз ўз-ўзини суратга тушириб қўя қолиш билан чекланаётган бўлса, кошки эди. Улар ўз расмини интернетга жойлаштириш бўйича бир-бири билан мусобақалашаётганга ўхшайди. Бир куннинг ўзида ўнлаб суратлар ижтимоий тармоққа жойлаштирилмоқда. Баъзан менталитетимизга тўғри келмайдиган суратлар ҳам учрайдики, бундан хавотирга тушасиз. Улардан турли кимсалар ғаразли мақсадларини кўзлаб фойдаланмаслигига афсуски, ҳеч ким кафолат беролмайди. Айнан ана шундай андишасиз, беҳаё суратлар, видеотасвирларни кўрганларнинг айрим фикрлари қулоғимизга чалиниб қолади: “Вой, у қиз интернетга кирармиш, унақалардан узоқ юриш керак”.

Кафега йиғилган йигит-қизлар биз ўйлаганчалик селфига берилишмади. Улар ҳам биздек мактаб хотираларини эслаб, мобиль телефонлари, фото ва видео тасвирларни унутишди. Шунисига ҳам шукр!

**Шоҳиста ШАҲОБОВА**

**Mulohaza**

***Аввал ғиштни қийшиқ***
***қўяркан меъмор,***
***Осмонга етса ҳам***
***қийшиқдир девор.***
**(Мирзо Бедил)**

**Ким ҳам ўз фарзандининг орзу-ҳавасини кўриб, тўкин-сочин ҳаёт кечиришга интилмайди, дейсиз? Орзули дунёда яшаймиз, фаровонлик учун елиб-югуриб, умргузаронлик қилиш ҳаётимиз мазмунига айланади, фарзандларимиз тақдирига ҳам бефарқ қарамаслигимиз керак. Ҳар бир инсон ўз касбини пухта эгаллаб, жамият тараққиётига ҳисса қўшса, демак, унинг оиласи тинч, турмуши эса фаровон.**

# Фарзандингиз ким бўлмоқчи?

Касби орқали эл назарига тушган обрўли инсонлардан “Устозинг ким?”, деб сўрашса, аксарияти аввало ота-онасини ёдга олади. Бунда ота-онанинг ўз фарзандини тўғри тарбиялаб, унга касб танлашда тўғри йўлни кўрсатиши назарда тутилса керак.

12-13 ёшдаги ўсмирлар “Ерга урсанг, кўкка сапчийдиган” ўтиш даврини бошдан кечиришлари биз педагогларга маълум. Адабиёт дарсида “Мен орзу қилган касб” мавзусида иншо ёздирар эканман, болалар руҳиятига эътибор қаратдим. Ижодий ишлар билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик ўқувчилар касбни ота-оналари кўрсатмаси бўйича танлашган. Бунга лаёқати борми, йўқми, ўйлаб кўришмаган. Мени эса уларнинг кимларгадир нафи тегадиган касб эгаси бўлишини орзу қилиши қувонтирди.

Юқори синф ўқувчиларига айнан шу мавзуда иншо ёздирдим. Улар ука-сингилларига нисбатан анча етук ва дадил. Маълум бир касбни эгаллашда уларнинг ўзига хос танлови бор. Бола танлаган касбини севадими? Агар севмаса, бутун фожеа шундан келиб чиқади. Фарзандга касб танлаш масъулияти, унинг келажакда жамиятга нафи тегиши ҳақидаги тушунчани бериш биз педагоглар зиммасига тушади. Муаммонинг яна бир томони борки, боланинг ўспиринлик даврида касб танлаш пайтида турли қатъиятсизлик ёки иккиланишлар кўзга ташланади. Чунки бола ҳали ўзининг нимага қодир эканлигини англаб етмайди.

Афсуски, айрим ота-оналар фарзандининг бирорта касбга меҳр қўйганини вақтида илғаб, уни руҳан рағбатлантиришга фурсат тополмайди. Агар у ўзи хоҳлаган касбни танлашга эришса, маҳоратини қойилмақом тарзда намойиш этиши аниқ.

Иншода 6-синф ўқувчиларидан айримлари бирйўла икки-учта касбни эгаллашга қарор қилишган. Улар танлаган касбларининг кимларгадир нафи тегадиган томонини ёзишибди. Эҳтимол, улар ҳаётда бир нечта касбни эгаллаган инсонларга ҳавас қилишар. Эътибор берсангиз, ҳамма замонларда ҳам мижозга яхши уста, хўрандага қўли гул пазанда, беморга қўли енгил шифокор, ота-онага етук устозни иши маъқул келган. Демак, ҳар қандай соҳанинг ўз устаси бўлади ва ҳамма уларни ҳурмат қилади. Ота-оналар фарзандига касб танлашда ҳар бир соҳанинг роҳати ва машаққати ҳақида тушунча берсалар, соз бўларди.

**Ориф ҲАМРОЕВ,**
**Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**




# Муҳайёнинг матонати

**Ibrat**

**Ўтган йили жияним Дилфуза мени чеварнинг олдига бошлаб бораркан, эшик қоққанда “ҳозир”, дея овоз берган аёл бир қизни бошлаб чиқди. Қотиб қолдим, қаршимда қўлтиқтаёқли чиройли қиз турарди. Бунақа ҳолатни кутмаганим учун, аранг бир кийимлик читни ташлаб, тикув цехини тарк этдим. Ўзимга ёқадиган қилиб тиккани учун ўша кўйлагим эгнимдан тушмайди.**

«Ким эдигу, ким бўлдик» тадбирлари доирасида Наманган шаҳридаги 14-умумтаълим мактабига бордик. Мактаб директори Ҳамрохон Неъматова «Моҳир қўллар» тўгарагини кўринглар, деб бошлаб кирган хонада чевар қизларга бош бўлиб ўша ногирон қиз турарди. Ажабо, бу қиз ким бўлди, дея унга қизиқишим ортди. Хонасида мени ўша кўзлари порлаб турган қиз — Муҳайё Эгамбердиева қарши олди.

— Тўгаракхонамизга Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси катта эътибор қаратиб, таъмирдан чиқаригач, 12 та тикув машинаси ўрнатиб берилди, — дейди мактаб директори Ҳамрохон Неъматова. — Тўгарак раҳбари Муҳайё Эгамбердиева билан кийим тикиш бобида унча-мунча чевар бахслаша олмайди. Унинг мижозлари жуда кўп.

12 та тикув машинасида ишлаётган қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қизларга Муҳайё парвона, ногирон бўлса-да, унинг матонати четдан қараган кишини лол қолдиради.

— Ўн икки ёшдаман, уй-рўзғор ишларига қарашаман, укаларимни ўйнатаман. Аммамнинг болаларига қарашгани боргандим. Уларни ўйнатиб, ҳовлида юрсак, омонат турган бетондан болани тортиб қолишга улгурдим, аммо ўнг оёғим бетон тагида қолиб кетди. Ҳушимга келганимда, гўёки бир тарафим йўқдай эди. Минг хил оғриқлар гирдобида кўзимни очсам, кўз ёшлари шашқатор онам юзимга термулиб ўтирибди. Ота-онамнинг меҳр-муҳаббати мени оёққа турғизди, қўлтиқтаёққа ўрганиб, оғриқларга кўникдим. Шу ёруғ дунёда яшаётганим учун шукр! Мактабда аъло ўқидим, академик лицейда олдинги қаторда бўлдим. Наманган давлат университетини бошланғич таълим методикаси йўналиши бўйича тамомладим. Ўзим ўқиган мактабда муаллимаман. Ҳеч кимга оғирлигимни туширмасликка ҳаракат қиламан. Бу ҳаёт шундай гўзалки, унга менинг кўзим билан қаранг, меҳнат шундай завқлики, роҳатини мендан сўранг.

Чевар билан суҳбатлашиш шундай мароқлики, кўзларим ёшга тўлади. Унинг порлаб турган қоп-қора кўзлари менга қараб йиғламанг, дейди. Мен одамлар даврасидаман, кимгадир ёрдамим тегади, тинч юртда яшаяпмиз, яхшилар даврасидаман, дейди у.

Изимга қайтарканман, Муҳайё мени иликкина кузатади. Унга яна бир бор қайрилиб қарайман. Назаримда, уни қўлтиқтаёқ эмас, матонати кўтариб тургандек туюлади.

**Дилбар ҲАЙДАРОВА**

*Наманган вилояти*

**Taassuf**

**Ҳар кун тонгда ишга кетаётиб, Бекзод ака кўзига беихтиёр ёш олади. Бу нохуш воқеа унинг юрагида ўчмас из қолдирган. У кишининг яқин қўшниси — ойкуни яқинлашган Наргиза опа нонга чиқиб, кўчада пайти тўлғоқ тутиб қолган. Вақтида ҳеч ким биринчи тиббий ёрдам кўрсатмагани учун бола нобуд бўлган...**

# Наушник — айбдор(ми?)

Бекзод ўшанда коллежнинг битирув босқичида таҳсил олар эди. Дарсдан сўнг уйга қайтаётганида қўл телефонида қўшиқни баланд қўйиб, наушникни қулоғига тақиб олишга одатланган эди.

Бунга Бекзод аканинг нима дахли бор, дейсизми?

Наргиза опани тўлғоқ тутганида Бекзод дарсдан қайтаётган эди. Аёл қанча ёрдам сўраб чақирса ҳам, йигит уни эшитмаган...

Йиллар ўтди, Бекзод Тошкент тиббиёт академиясини тугатиб келди. Шаҳар тиббиёт муассасаларидан бирида ишлай бошлади. Кунлардан бир куни унинг қабулига Наргиза опа 5 ёшли қизалоғи Ферузани текширтиргани келди. Шифокор бўлиб ўтган воқеани худди кечагидек эслаб турарди. Ферузани тиббий кўрикдан ўтказиб, ҳаммаси жойидалигини айтди. Лекин Бекзод ака Наргиза опа ўзига нисбатан қандайдир ишончсиз қараётганини сезди. Хайрлашув олдидан Бекзод ака кўп йил аввалги воқеадан пушаймонлигини тан олиб, кечирим сўради. Наргиза опа эса ҳеч нарса бўлмагандек мийиғида кулиб қўйди-да, ҳаммаси жойидалигини айтди.

Шиддат билан ўтаётган технологиялар асрида бундай воқеалар, афсуски, учраб туради. XXI аср ҳақида сўз очилар экан, беихтиёр ҳаммамизнинг кўз олдига ахборот ва коммуникация технологиялари келади. Чунки XXI асрни техника ва технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин инсоннинг чор-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз қараши натижасида ўнлаб, юзлаб ва ҳаттоки минглаб одамларнинг ҳаётига хавф солинади. Ҳозирги ёшлар наушникда мусиқани баланд қилиб, кўчада юраверади, қанчадан-қанча кўнгилсиз воқеалар шунинг оқибатида содир бўлаётган уларни заррача ташвишга солмайди.

Замонавий технологиялардан фойдаланишни инкор этмоқчи эмасмиз. Улар воситасида мушкулимиз осон, узоғимиз яқин, вақт ва масофадан ютиш имконияти мавжуд. Аммо ундан ўринли фойдаланмаслик, унга ҳаддан ташқари ружу қўйиш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келишини унутмайлик.

**Лайло МАВЛОНОВА**

*Зарафшон шаҳри*

# Маслаҳат маркази иш бошлади

**Hamkorlik**

***Жамиятни ривожлантириш ва оилани мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрни катта. Она, аввало, ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг қалбига инсонийлик фазилатларини, эзгуликни сингдирадиган, халқига, Ватанига садоқат руҳида тарбиялайдиган миллат мураббийсидир.***

Жамоатчилик ва давлат идоралари кўмаги билан хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Элликқалъа туманидаги 30та фуқаролар йиғинида жамоатчилик ишчи гуруҳлари тузилди. Ушбу гуруҳ маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган 5та сектор билан ҳамкорликда иш олиб боради. Секторлар жамоатчилик ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда нотинч оилалар тотувлигини таъминлаш, оилаларни яраштириш, кам таъминланган, ногирон ва ёрдамга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, аҳоли бандлигини таъминлашга масъулдир.

Бу масалаларга “Элликқалъа” овул фуқаролар йиғини томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Аёллар маслаҳат маркази” иш бошлади. Марказга жалб этилган психолог, юрист-консультант, диний-маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассислари жадвал асосида аёлларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ҳал этишмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бераётир.

**Г.АИТБАЕВА,**
**Элликқалъа тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси**

**Мактубларни Ҳулкар ТЎЙМАНОВА саралади.**

2016-yil 27-avgust, № 69 (8926)

# Янги экспонатлар




Санъат қалбнинг энг нозик туйғуларини ўзида акс эттиради. Буни кузата туриб, инсон кўнгли нақадар гўзал, қўли гул эканига иқрор бўласан, киши. Санъатни англаш, унга муҳаббат бизни камолотга етаклайди. Шу боис миллий маданий меросимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб И.В.Савицкий номидаги қорақалпоқ санъат музейида “Истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда археология илмида эришилган ютуқлар ва янги илмий изланишлар” мавзусида кўргазма ташкил этилди. Тадбирда иштирок этганлар халқимиз тарихи, миллий маданиятимиз ва санъатимиз, археология соҳасида олиб борилаётган изланишлар, янги топилмалар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз юритишди.

Музей айни пайтда юз мингдан ортиқ экспонатга эга бўлиб, улар сони йил сайин ортмоқда. Ҳар бир асар бетакрор ва сирли бўлиб, уларни ўрганиш, билиш узоқ вақт тер тўкиб меҳнат қилишни талаб этади.



— 1995—2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими археологлари Австралиянинг Сидней университети тадқиқотчилари билан бирга Беруний тумани ҳудудида жойлашган Ақшахон қалъасини ўрганди, — деди музей ходими Амина Ембергенова. — Археологик қазишмалар натижасида ички, ташқи қалъа ҳимоя объектлари (девор, миноралар), марказий ибодатхона, юз ўринли зал, рангли деворий суратлар топилди. Улар орасида жаҳон археология илмини ҳайратлантирган қадимий Хоразм ҳукмдорларининг портретлари ўрнатилган галерея алоҳида эътиборга сазовордир.

Кўргазмадан ўрин олган ҳар бир экспонат узоқ тарихга эга. Эрамизнинг I асрига тааллуқли Ақшахон қалъа деворидан топилган портрет, тахт бўлаги ва Қабатқалъадан топилган эрамизга қадар V аср, эрамизнинг II асрига тегишли аёл ҳайкалчаси, Ҳайўанқалъа (Кердер) ҳудудидан олиб келинган зерен (лаган) бўлаги томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг тадқиқотчи-ўқитувчилари ва талабалари 1997 йилдан буён Кердер маданиятига оид йирик қалъалар — Ҳайўан, Куйикқалъа, Тўққалъа (Дарсан) обидаларини ўрганмоқда. Бу тарихий манзилгоҳлардан топилган VII–XI асрларга тааллуқли археологик буюмлар ҳам кўргазмадан жой олган.

И.В.Савицкий номидаги қорақалпоқ санъат музейи археология бўлими мутахассислари музей фондида сақланаётган антик давр эсдаликлари — Тупроққалъа, Аёзқалъа, ўрта аср эсдаликлари — Жампиққалъа, Қабатқалъа, Гулдурсун қалъаларидан топилган кўплаб ажойиб археологик топилмаларни қайта тиклади. Ўтмишдан дарак берувчи бу тарихий мерослар археология илмининг эришилган сўнгги ютуқлари ҳисобланади. Изланишлар давом этмоқда.

**Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,**
**“Ma'rifat” мухбири**


*• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон •*

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ

### 2016 йил 29 сентябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 4-уйда жойлашган «O'ZKIMYOSANOATLOYIHA» АЖ балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 10/825 UAA, бошланғич нархи 18 127 000 сўм бўлган «ГБА СПГ Дамас», 2000 й. и/ч, д/р 10/823 UAA, бошланғич нархи 15 721 000 сўм бўлган «ГБА СПГ Дамас», 1996 й. и/ч, д/р 10/388 FBA, бошланғич нархи 5 192 000 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур 1-берк кўчаси, 17-уйда жойлашган, «УЗБОШДАВКАРАНТИН» Давлат инспекцияси балансидаги 2007 й. и/ч, д/р 01/067 HAA, бошланғич нархи 3 829 000 сўм бўлган «ВАЗ-2107» русумли; Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган, «YENGILSANOATQURILISH» МЧЖ балансидаги 2010 й. и/ч, д/р 01/131 OAA, бошланғич нархи 28 535 684 сўм бўлган «Ласетти», 2010 й. и/ч, д/р 01/779 UDA, бошланғич нархи 41 860 936 сўм бўлган «Эпика» русумли автомототранспорт воситалари ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» қўрғони, Мустақиллик кўчасида жойлашган «TURONBANK» АТБ Зангиота филиали балансидаги 2009 й. и/ч, давлат рақамлари 10 uz 697 BA ва 10 uz 698 BA, ҳар бирининг бошланғич нархи 216 568 000 сўмдан бўлган 2 та «CASE IH MX255» русумли трактор-қишлоқ хўжалиги техникалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18:00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари **соат 15:00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

**Гувоҳнома № 005357**

**Хизматлар лицензияланган**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази 2017 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул эълон қилади:**

| № | Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи | Ажратилган ўрин |
|---|---|---|---|
| 1 | 13.00.01 | Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент | 1 |
| 2 | 13.00.06 | Электрон таълим назарияси ва методикаси | 1 |

Катта илмий ходим-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза; маълумотнома; меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси; олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси; илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари; талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси; етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1—20 декабрь кунлари мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, шунингдек, чет тили фанларидан бўлиб ўтади.

Ҳужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади. Қўшимча маълумот олиш учун Бош илмий-методик марказнинг Илғор тажриба ва халқаро ҳамкорлик илмий-ахборот тадқиқотлари бўлимига қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишлари мумкин: 0-371-202-01-14.

***Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 3-уй.***




## Болалар учун қанднинг меъёри қанча?

**Кичик ёшдаги болаларга, яхшиси, шакар бермаслик, берган такдирда ҳам йил ўтгани сари унинг микдорини назорат қилиш зарур, деб ёзилади "Circulation" манбасида.**

Америкалик олимлар 2 ёшгача бўлган гўдакларнинг озуқасига шакар қўшишга эҳтиёж йўқ, дея таъкидлайди. 3—18 ёшгача бўлган болалар кунига 6 чой қошиққача шакар истеъмол қилиши мумкин. Қанд маҳсулотлари озуқалар таркибидаги калория микдорига бевосита боғлиқ. Шу боис бундай озуқаларни ейишни



кескин тақиқлаб бўлмайди. Бироқ у меъёридан ортмаслиги зарур. Чунки меъёридан ошган ширинлик натижасида семизлик, қандли диабет ва юрак билан боғлиқ касалликлар ривожланади.

Олимлар болалар организми яхши ривожланиши учун энг мақбул озуқалар ҳақида тўхталиб, уларнинг таомномасида қуёш нурига тўйинган табиий маҳсулотлар, мева ва сабзавотлар, сут маҳсулотлари кўпроқ бўлиши лозимлигини билдирган. Шунингдек, болаларнинг фақат шакарнинг ўзини эмас, балки таркибида қанд миқдори бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишини ҳам назорат қилиб бориш кераклигини таъкидлашган.

## Бактерияларни аниқловчи лазер

**Инглиз ва немис олимлари яшил флуоресцент оқсилидан фойдаланиб, бактерияларни аниқловчи лазер яратгани тўғрисида "Science Advances" манбаси хабар беради.**



Ушбу қурилма бошқа лазерлардан фарқли равишда экситон-поляритон турга мансуб. Ундаги генномодифицирланган бактерияли оқсиллар билан тўлдирилган микрорезонаторларда экситонлар юзага келади. Улар фотонларни фаоллаштириши натижасида бошқа квазизаррачалар, яъни поляритонлар ҳосил бўлади.

Жараённинг сўнгги босқичлари катта қувватга эга бўлган доирада амалга оширилиши мумкин. Яшил флуоресцент оқсили эса поляритонлар ҳосил бўлгунга қадар экситонларнинг аннигиляция жараёни юзага келишига тўсқинлик қилади.

Қурилманинг хона ҳароратига мослашувчанлигидан билиш мумкинки, уни ишлаб чиқаришда қиммат хомашёлардан фойдаланилмайди. У, шунингдек, оптик алоқалар ва прецизион ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

## Дежавю ҳақида олимлар қандай фикрда?

***Ғарбий Онтарио университетининг тадқиқотчилар гуруҳи айрим инсонларда кузатилувчи дежавю ҳолатини илмий томондан ўрганди.***



"New Scientist" нашрида келтирилишича, "Дежавю" французча сўз бўлиб, у реал вақтда илк бор дуч келган манзарани қачонлардир кўргандек ҳис этиш билан боғлиқ руҳий ҳолатдир.

Олимлар инсон мияси мантиққа зид бўлган жараёнларни "ишга солиши" ва уларни хотирага киритиши ҳақидаги тахминларни ўртага ташлади. Бундай жараён асосан туш кўраётган вақтда содир бўлади. Ҳатто айрим инсонлар ўзлари ҳеч қачон бўлмаган ва кўрмаган жойлар ва инсонларни бир неча маротаба тушида кўради.

Тадқиқотчилар лингвистик изланишлар натижасида ўз назарияларини қисман тасдиқлаб олди. Яъни, баъзи кишиларнинг воқеалар билан боғлиқ фантазияси кучли бўлади ва натижада хотирада ёлғон ахборотлар юзага келади.

Қачондир ўйлаган ва кўз олдимизга келтирган ҳолатлар узоқ вақтлардан кейин кутилмаганда ёдга тушиши мумкин. Кўнгиллилар ёрдамида ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, дежавю ҳолатида бош миянинг префронталь пўстлоғи фаоллашади. Қизиғи, мазкур қисм қарорларни қабул қилишда муҳим роль ўйнайди.

## Балиқчининг «омад тумори»

***"Hi-News" манбасида ёзилишича, Пуэрто-Принсес шаҳрида яшовчи балиқчининг каровати тагида оғирлиги 34 килограмм маржон сақлангани аниқланди.***



Гап шундаки, балиқчи Палаван оролидан улкан моллюска чиғаноғини топиб олиб, уни «бахт тумори» сифатида кароватининг тагига қўяди. Орадан 10 йил ўтгач, унинг ичида қиймати 100 миллион долларга тенг марварид борлиги маълум бўлди. Аммо ўшанда балиқчи хонадонида содир бўлган ёнғин сабаб яшаш жойини ўзгартиришга қарор қилиб, чиғаноқни маҳаллий туризм бошқармасига ҳадя қилган эди. Бошқарма ходимлари эса чиғаноқ ичидан эни 30,5 сантиметр, узунлиги 67 сантиметр бўлган маржонни ажратиб олди.

Эътиборлиси, бунга қадар 1934 йили айнан Палаван оролидан топилган қиймати 35 миллион долларлик, оғирлиги 6,4 килограмм бўлган марварид рекорд сифатида эътироф этилаётганди.

Балиқчининг узоқ йиллар давомида «омад тумори» бўлиб келган инжу энди Пуэрто-Принсес шаҳрининг туризм соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшиши мумкин. Балиқчи эса ўз топилмасининг киндик қони тўкилган шаҳрининг кўркига кўрк қўшишга сарфланаётганидан мамнун.

## Умрни 18 йилга узайтириш учун...

***Олимлар умрни 18 йилга узайтиришнинг оддий, бироқ саломатлик учун фойдали бўлган сирини аниқлади, деб хабар берди "PLOS Medicine".***



Ҳар бир инсон бадантарбиянинг оддий қоидаларига амал қилган ҳолда ўз умрини 18 йилга узайтириши мумкин. Бунда мунтазам спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш каби омиллар узоқ умр кўришни таъминлайди.

Маълумки, саломатлик учун зарарли омиллар кўп. Уларнинг ўзини ҳам бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ичкиликбозлик, чекиш, гиёҳвандлик каби иллатлар киритилмоқда. Шунингдек, камҳаракатлилик ҳам инсон саломатлигига катта хавф туғдиради, сифатсиз ва меъёридан кўп овқатланиш организмнинг эрта қаришига олиб келади.

Ичиш ва чекишдан воз кечган кишининг умри камида 6 йилга узаяди. Аксинча, бу одатни тарк этмаганларнинг саратонга чалиниш хавфи юқори бўлади. Агар шифокор тавсиясига мунтазам амал қилинса, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб турилса, умрни 18 йил эмас, балки 20 йилга ҳам узайтириш мумкин.

**Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON

yangiliklari ✪ xabarlari

*АҚШ Геология хизмати хабарига таяниб, "Интерфакс"нинг маълум қилишича, Италиянинг Умбрия вилоятида рўй берган 6 магнитудали зилзила мамлакатнинг Лацио, Марке вилоятларига ҳам катта талофат келтириб, 250 га яқин кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди, яна 365 нафар фуқарога эса шифохоналарда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.*

***Жанубий Кореянинг Кёнсан-Намдо провинциясида яшовчи 73 ёшли аёлда вабо хасталиги аниқлангач, мамлакатда кузатилган бундай хавфли касалликнинг сабаби сифатсиз денгиз маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқлиги тахмин қилинди, деб хабар беради "РиаНовости".***

*"The Daily Mail" нашрида келтирилишича, Франциянинг Савойя департаментидаги Сен-Реми-де-Морьен шаҳарчасида икки ўриндиқли кичик самолётнинг парвоз чоғида дарахтга урилиб қулаб тушиши оқибатида учувчилар ҳаётдан кўз юмган.*

***Астрономлар халқаро гуруҳи Қуёшдан сўнг Ерга энг яқин жойлашган Проксима Центавра юлдузида ҳаёт кечириш учун зарур ҳарорат ва сув мавжуд бўлган, сайёрамиз массасидан 1,27 ортиқ оғирликка эга "Proxima b" экзосайёрасини аниқлади, деб маълум қилди "Tjournal" нашри.***

*"ТАСС" тарқатган хабарга кўра, Хитойнинг Хэйлунцзян провинциясида жойлашган Харбин шаҳрида 20 нафар йўловчини олиб кетаётган автобуснинг ёқилғи ташувчи машина билан тўқнашиб кетиши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмган, ўн йўловчининг оғир аҳволда экани маълум қилинган.*

***Мьянмада тўрт кишининг қурбон бўлиши, 70га яқин ибодатхонанинг вайронага айланишига сабаб бўлган 6,8 магнитудали ер силкиниши мамлакатнинг Янгон, Бангладеш пойтахти Дакка ва Ҳиндистоннинг бир қанча штатларида ҳам сезилган, деб ёзади "Myanmar Times" нашри.***

*Бангладеш Ички ишлар вазирлиги маълумотига таяниб, "ТАСС"-нинг хабар беришича, мамлакатнинг Читтагонг шаҳрида жойлашган ўғит ишлаб чиқарувчи заводда юзага келган носозлик туфайли аммиак сизиб чиқиши оқибатида 100 нафардан ортиқ ишчи жабрланган, фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари газнинг бошқа ҳудудларга тарқалишининг олдини олишга доир саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.*

# Фарзандларимиз учун масъулмиз

***Одатда аксарият ёнғинлар очиқ оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Шунингдек, айрим ҳолларда ёнғинлар содир бўлишига болаларнинг назоратсиз қолдирилиши ҳам сабаб бўлади ва энг ачинарлиси, ёнғинлардан аввало болалар жабр кўради.***

Болаларнинг қизиқувчанлигини инобатга олган ҳолда уларнинг хатти-ҳаракатларини доимо назорат қилиб туриш лозим. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, ўтган йили юртимизда содир бўлган ёнғинлар таҳлилига кўра уларнинг 1360таси, яъни 10,4 фоизи болаларнинг қаровсиз қолдирилиши оқибатида содир бўлган. Ушбу ёнғинлар оқибатида 4 нафар бола ҳаётдан кўз юмган бўлса, 55 нафар киши тан жароҳати олган (шулардан 48 нафари ёш болалар). Болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ва шўхлиги сабабли содир бўлган ёнғинларнинг 556таси (41 фоизи) ёз ойларида, яъни ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида содир бўлган.

Шу ўринда, азиз ота-оналарга баъзи ёнғин хавфсизлиги қоидаларини эслатиб ўтсак:

— ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирманг ва уларга олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрманг;

— ёш болалар олдида сигарета чекманг;

— ёш болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш юзасидан доимо тушунчалар бериб боринг ҳамда ёнғин вақтида ҳаракатланиш тартиби бўйича биргаликда машғулотлар ўтказинг;

— болалар ёнғин хавфсизлиги хизматига мурожаат этиш, воқеа содир бўлган жойнинг аниқ манзили, ўз исм-фамилиясини айтиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Ушбу қоидаларга риоя этиш билан ўзингиз, фарзандларингизни ҳамда уй-жойингизни ёнғиндан, унинг аянчли оқибатларидан асраб қолган бўласиз.

**Д. ЖАББОРОВ,**
**Тошкент шаҳар 20-ҲЁХҚ инспектори, сержант**
**Е.КУЛМАНОВ,**
**32-ҲЁХҚ инспектори, сержант,**
**Н.ИШМЕТОВ,**
**12-ҲЁХҚ, 26-ҲЁХО смена бошлиғи, майор**

Республика таълим маркази жамоаси Филология фанлари бўлими бош методисти Комила Усмоновага опаси

**Маҳбуба АБДУВАЛИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

# Ғаройиб ўғри

(эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Ўзим бўлсам, текин ошга тўйсам деган кишининг ҳаққидан қўрқмайдиган Эшмат исмли одам бўлган экан. Кунлардан бир куни у боғ яратиш мақсадида бозордан юз туп кўчат сотиб олибди. Кўчатларни ўтқазишга ишчи ёлламоқчи бўлган экан, у айтган пулга ҳеч ким кўнмабди. Хуноби ошиб уйига қайтса, эшиги олдида усти-боши юпун бир йигит турганмиш. Унга бошдан-оёқ назар солиб: "Кўчат экиш қўлингдан келадими?" — деб сўрабди.

— Бўлмаса-чи, бунинг устига текинга ишлайман. Қорнимни тўйдирсангиз бас, — дебди ҳалиги йигит.

— Очофатлардан эмасмисан? Бир кунлик ишни ўн кунга чўзиб еб ётадиган?

— Йўқ,– дебди йигит ерга қараб.

— Бўлмаса, қани ишга кириш.

Йигит уч кунлик ишни бир кунда бажарибди. Берган ёвғон шўрвасига рози бўлибди. Эшмат умрида бундай меҳнаткаш, камсуқум одамни кўрмаган экан. Орқасидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб: "Унинг ақли жойида эмаслиги аниқ. Нима бўлса ҳам, шунча ишимни битириб кетди-ку", деб суюнибди.

Баҳор ортидан ёз, ёз ортидан куз, куздан сўнг қаҳратон қиш келибди. Бу ҳол уч-тўрт марта такрорлангач, боғ ҳосилга кирибди. Ҳосил чўғи киши кўрса кўзи теккудай баланд экан. Бир куни Эшматнинг дарвозасини кимдир оҳиста тақиллатибди. Чиқиб қараса, бу ўша, юз туп кўчатини текинга ўтқазиб берган йигит экан.

— Биродар, хотиним ҳомиладор эди. Кўчангиздан ўтаётиб қизил олмаларингизга кўзи тушибди. Тўрттагина берсангиз, — деб илтимос қилибди.

— Сен учун берар эдиму, аммо ҳали ўзим ҳам татиб кўрганим йўқ. Етилишига яна озроқ вақт бор. Яхшиси бозордан ола қол,– маслаҳат берибди унга Эшмат.

Йигит ҳеч нарса демай остонадан ноумид қайтиб кетибди.

"Бугун хотинимга тўрттагина олма беринг деса, эртага боласини баҳона қилиб келади. Унга олма бермаганим яхши бўлди. Бошқа бу ерга қадам босмайди энди".

Эртасига мардикор ёллаб, ҳосилни йиғаман деганида, кечаси қуюн кўтарилиб, боғ меваларини осмону фалакка учириб кетибди. Олмалардан ном-нишон қолмабди. Эшмат кимга додини айтишни билмай қолаверибди. Аммо қуюн атрофдаги боғларга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмабди. Бу иш келаси йил ҳам такрорланибди. Учинчи йили ҳам у ҳосилдан қуруқ қолибди.

Тўртинчи йили қуюнда бир сир бор, деб кечалари боғда ётиб, уни пойлай бошлабди. Бир тун Эшмат боғда ётса, қадам товушини эшитгандек бўлибди. Ўзини дарахт панасига олиб кузатса, ўша кўчатларни экиб берган йигитга кўзи тушибди. "Ҳойнаҳой у олма ўғирлагани келган бўлса керак, қани, бу ёғи нима бўлар экан", деб кута бошлабди. Йигит қуюнга айланибди ва барча дарахтларни шип-шийдам қилиб, меваларни учириб кетибди. Йигит аслида сеҳргар бўлиб, уни синаш учун келган экан. Эшмат кишининг ҳаққидан қўрқмагани учун қилмишига яраша жазо олибди.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзгалар ҳаққига хиёнат қилганлар жазосиз қолмас.

**Ҳидоят ОЛИМОВА**

# Эртаклар оғушида

***Ҳидоят Олимова асосан эртак ёзади. Сўнгги йилларда адибанинг газета ва журналларда чоп этилган ранг-баранг мавзудаги эртак ва топишмоқлари ўз мухлисларини топиб улгурди.***




"Мендан журналист чиқадими ўзи? Ўқишни тамомлаётган йиллари шу ҳақда кўп ўйлардим. Ўзбекистон радиосида ишлай бошладим — адабий-драматик эшиттиришлар бош муҳарририятида. Усмон Азим, Эркин Усмонов, Абдулҳай Носиров, Эсоной Содиқова каби таниқли шоир ва адиблар даврасига тушдим... Бу орада "Дугоналар" радиожурнали ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар муҳарририяти таркибига ўтди. Ана шу дастурда ишлаганим учун мен ҳам янги таҳририятга ўтдим. Янги эшиттиришлар ташкил қилдим. Устоз Саидмурод Тиллахўжаев журналист сифатида шаклланишимга ёрдам берди. Ҳалол, тўғрисўз, талабчан, ёшларга ғамхўр бу инсондан бир умр миннатдорман...".

Ҳидоят Олимова изланишдан бир зум ҳам тўхтамай, тингловчига янгилик берадиган мавзуларни қидириб топарди. "Арзийдиган гап" рукни бунга мисол. Одамлар баъзи камчиликларга арзимайдиган гап деб парво қилмайдилар. Бу рукн "арзимайдиган гаплар" туфайли инсонлар азият чекиши, ўша гаплар бориб-бориб катта муаммоларга сабаб бўлиши ҳақида барчани огоҳ этарди.

— Қанчалик долзарб мавзу кўтарманг, саволларингиз қанчалик салмоқли бўлмасин, агар суҳбатдошингизнинг тингловчига айтгулик тошбосар фикри бўлмаса, эшиттириш кутилган натижани бермайди. Билимдон, зукко суҳбатдош танлай билиш эшиттириш муваффақиятининг шартларидан биридир, — дейди Ҳидоят опа бошловчи журналистларга ўз тажрибаларидан келиб чиқиб.

У эшиттиришлар таъсирчанлигини ошириш учун мавзуни тўлдирадиган кичик-кичик ривоятлар келтирарди. Бу ривоятлар барчани қизиқтирар, эшиттиришга файз бағишларди. Эҳтимол, ўша ривоятлар Ҳидоят опанинг кейинчалик эртак тўқишига туртки бўлгандир.

2-синф дарслигидан адибанинг "Ажойиб баҳс" эртаги ўрин олган. "Қизил олма" (2012 йил), "Орзу дарахти" (2015 йил) эртаклар тўплами, "Ғаройиб ҳукм" китоби (2015 йил) нашр этилган.

Адиба анъанавий эртакчиликдаги "Бир бор экан..." бошланмасини янгилаш йўлида бир неча бошламалар ижод қилган. Масалан: *"Балки бўлган, балки бўлмаган, бўлган бўлса изи қолмаган. Изин излаб ҳеч ким топмаган, эшитгану, аммо кўрмаган. Ровийларнинг ривояти бу, чолу кампир ҳикояти бу. Билганимча айтаман Сизга. Шундай экан бу қадим қисса"* ("Урчуқпари" эртагидан); *"Бор десам бордай экан, йўқ десам йўқдай экан. Ўзи ҳам ўқдай экан, юриши тўқдай экан, аммо ўзи оч тулки, кўрсанг ундан қоч тулки экан"* ("Мақтанчоқ қуён"дан); *"Сиз бўлмаган замонда, биздан олис томонда, яшар экан омонда, аммо кўнгли армонда чоли билан бир кампир, ҳаддан ошган гўл кампир, хуллас гапиргум қисқа, шундоқдир ушбу қисса"* ("Хўжайин ва хизматкор"дан); *"Бор десам бордай, йўқ десам йўқдай экан. Бор деганим бир бой, уйида ботмон буғдой. Йўқ деганим бир йўқсил, ҳатто сигири қисир. Хуллас, биз бўлмаган замонда икки қўшни бўлган экан. Бири айтганимдек ўша бой бўлиб, иккинчиси унинг хизматида сочи оқарган, аммо косаси оқармаган камбағал экан"* ("Қирқ ямоқ ҳаққи" эртагидан) ва ҳоказо. Бундай бошланмаларни ўқиган кишининг эртакка қизиқиши ортади.

Эртакчи адибага "Бугунги ёш авлод тарбиясида эртак қанчалар муҳим аҳамият касб этади?" деган савол билан мурожаат қилдик:

— Болалар табиатан хаёлпараст бўлишади. Эртак хаёлчан болага тез сингади. Унинг ўйларини эзгулик сари етаклайди — деди Ҳидоят опа. — Оқ-қорани танитади. Мен эртак ёзганда уч нарсага алоҳида урғу бераман: эртакларим болаларни ҳалолликка, меҳнатсеварликка, ва албатта, меҳр-оқибатли бўлишга чорлаши лозим. Шу уч фазилатга эга инсон атрофга меҳр, гўзаллик улашади. Сеҳр-жоду туфайли эртак қаҳрамонининг мушкули осонлашиши ёки бойликка эга бўлиши ҳақида ёзишни ёмон кўраман. Аксинча, болалар бошқалар ҳисобидан бойиш алал-оқибат кулфат келтиришини англаши, меҳнат ва тўғрилик билан топилган нарса қадрли бўлишини билишлари лозим. Олтин балиқ ҳақида ўндан ортиқ эртагим бор. Бирортасида эртак қаҳрамонини олтин балиқдан туҳфа олиб бойиб кетмайди...

Эртаклар улкан тарбия воситаси бўлиб келган. Ҳамиша шундай. Биргина "Зумрад ва Қиммат" (кейинги номи "Икки сандиқ") эртагини ўқиган қизалоқлар Зумраддек меҳрибон ва меҳнаткаш бўлишга қанчалар интилмаган дейсиз. Ёш авлодга эртаклар ёрдамида таълим берилади. Болаларга мучалларни "Мучаллар базми", камалак рангларини "Қалдирғоч, шамол ва камалак" ёки "Етти гўзал ва шаҳзода" каби эртакларимда ўргатишга ҳаракат қилдим. Қолаверса, унутилаётган миллий қадрият ва тушунчаларни ҳам эртак воситасида болаларга ўргатиш мумкин. "Қирқ қатлама", "Саватбош ва Илонбош", "Қора маржон" каби эртакларим бунга мисол бўла олади...

Ҳидоят Олимованинг эртаклари халқ оғзаки ижодига ҳамоҳанг жаранглайди. Агар муаллифини айтмасдан ўзбек халқ эртакларидан бири десалар, шубҳасиз, ишонасиз. Уларда техника, компьютер, уяли алоқа ёхуд замонавий фантастика элементларини кўрмайсиз. Тили халқона, содда, тушунарли, оҳангдор. Бири-бирини такрорламайдиган ранг-баранг эртаклар оламига кирасиз. Ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар, қаҳрамонларнинг турлича тақдири ҳақидаги ҳикоялар сизни асло зериктирмайди. Улардан бир олам завқ оласиз.

Сарлавҳа — асарнинг ярми, деган таъриф бежиз айтилмаган. Айрим асарлар сарлавҳаси замирида унинг бутун моҳияти акс этиб туради. Изланувчан адиба ҳам шундай — эртакларига шунчаки ном қўймайди. Аксарият сарлавҳалари эртакларининг асосий мавзусини ошкор этиб турганини ўқувчилар осон пайқаб олади. Мана, улардан айримлари: "Қирқ қатлама", "Жала ёққан кун", "Олтин дастурхон", "Сеҳрли олтин тароқ", "Фаришта ва саришта", "Мучаллар базми", "Ором қасрига саёҳат", "Қирқ ямоқ ҳаққи", "Тўртинчи дарвеш", "Олтин қармоқ", "Дарё девининг туҳфаси", "Деҳқон ва Жин" ва ҳоказо. Назаримда, номларни ўқиб сиз ҳам эртакларга қизиқиб қолдингиз.

Адиба эртак ёзишни ўз бурчи деб билади ва шундай ёзади:

***Болам, Сизга қарзим бор.***
***Эртак деган арзим бор.***
***Арзимни айтай Сизга –***
***Зукко ўғилу қизга.***
***Бўлган экан дейишар,***
***Бўлмаган деб тонишар.***
***Бўлса бўлиб ўтгандир,***
***Неча тонглар отгандир.***
***Биров эслар, бировнинг***
***Ёдидан ҳам ўчгандир.***
***Хуллас, бошлагум эртак,***
***Унда жам орзу-тилак...***

Ҳидоят Олимованинг эртаклари ҳақида кўп гапириш мумкин. Ундаги фикрлар, ёзувчининг тили ва услуби тўғрисида баҳс юритишни, яхшиси, адабиётшунос олимлар ҳукмига ҳавола этганимиз маъқул.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**филология фанлари номзоди,**
**доцент**

Faxr

# Яна бир ўзбек боласининг жаҳон рекорди

## 6 ёшли шахматчи томонидан ўрнатилди!

***Спортчиларимизнинг "Рио—2016"да эришган улкан муваффақиятлари сабаб юртдошларимиз қалбида жўш ураётган ғурур олти ёшли истеъдод эгаси Ҳумоюн Бегмуратовнинг ютуғидан янада алангаланди. Ёш шахматчи ўрнатган рекорд ҳатто Халқаро шахмат федерацияси томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.***



Дарҳақиқат, мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасида алпқомат йигитларимиз, барчинойдек қизларимиз жаҳон ареналарида кетма-кет муваффақиятларга эришмоқда. Ҳали мактабга чиқмасданоқ халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган болаларимизга эса дунё ҳавас билан боқаётир. Хусусан, Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар кўрсатган натижалар тажрибали шахматчиларнинг ҳам ақлини шошириб қўйди.

Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов мамлакат ва ҳатто жаҳон тарихида шахмат бўйича спорт усталигига энг ёш номзод, Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлган ёш спортчини шахмат рекордини ўрнатгани билан табриклаб мактуб йўллагани ҳам бежиз эмас. У номада Ҳумоюннинг меҳнатсеварлиги, қатъияти ва зафар қучишга бўлган кучли иштиёқи, энг асосийси, буюк аждодларимизга муносиб издош эканини исботлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шахмат сирларини Сергели туманидаги "Спорт. Дўстлик. Ғалаба" шахмат мактабида 4 ёшлигидаёқ ўргана бошлаган Ҳумоюн эришган ғалабалари билан чекланиб қолаётгани йўқ, у ўз истеъдодини халқаро миқёсида ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда ўстириб бормоқда. 2010 йил 7 февралда туғилган ёш спортчига 2016 йил жуда омадли келди, сабаби февраль ойида 8 ёшгача болалар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ғолибликни қўлга киритди. Апрель ойида Мўғулистонда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида 6 ёшгача болалар ўртасида Осиё чемпиони бўлди. Июнь ойида эса Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида уюштирилган халқаро турнирда "Болалар кубоги"ни олиб қайтди. Шунингдек, 2–6 август кунлари пойтахтимиздаги "Сеҳрли шахмат" клуби томонидан ўтказилган спорт усталигига номзодлар мусобақасида 3-ўринни эгаллади. Ёш иқтидор эгаси айни вақтда шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийи Сирожиддин Зайниддинов билан машғулотларни қизғин давом эттирмоқда. Олдинда ҳали бир неча халқаро мусобақалар, болалар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати турибди. Жумладан, шу йил октябрда Грузиянинг Батуми шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган 8 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпионатида у илк бор мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.


FÉDÉRATION INTERNATIONALE DES ÉCHECS

Recognized by the International Olympic Committee

г. Москва 22 августа 2016г

Кандидату в мастера спорта по шахматам Х. Бегмуратову

Дорогой Хумоюн!

Президент ФИДЕ К. Илюмжинов

Дарҳақиқат, Ҳумоюнбек каби ёш спортчиларимиз эришаётган ютуқлардан ОАВ орқали хабардор бўлаётган ота-она, бобо-буви борки, ўз фарзанди, набираси юрт байроғини ака-опалари, тенгдошлари каби юксакларда ҳилпиратишини ҳавас билан кўнглига тугмоқда. Чунки юрт фарзандлари эришган ғалаба нафақат ўз яқинлари, балки халқини ҳам қувонтиради. Мустақиллик тантаналари учун кутилмаган совға бўлаётган бундай ютуқларнинг сони навбатдаги мусобақаларда ҳам кўпаяверсин!

**Ҳусан НИШОНОВ**

Izhor

# Энг улуғ байрамга муносиб туҳфа

***Яқинда Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 4-умумтаълим мактабида барча қулайликларга эга замонавий спорт зали қуриб, фойдаланишга топширилди. Мен шу мактабнинг 8-синф ўқувчисиман. Спорт залининг фойдаланишга топширилгани мен каби спортсевар мактабдошларимни жуда қувонтирди.***

9 ёшимдан буён белбоғли кураш билан шуғулланаман. Туманимиздаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият юритаётган белбоғли кураш тўгараги кўплаб иқтидорли ва кучли ёш спортчиларни жамлаган. Тажрибали мураббиймиз Гулмира Аҳмадалиеванинг кўрсатган йўл-йўриқлари асосида ўз маҳоратини ошириб келаётган тенгдошларим сингари мен ҳам туман, вилоят ва республика миқёсидаги беллашувларда иштирок этиб, 4 олтин, 2 кумуш ва бронза медалларни қўлга киритдим.

Ўзбекистонимизнинг 25 йиллик шодиёнасига муносиб туҳфа бўлган янги спорт зали биз ёшларни баланд марралар сари ундаш билан бирга юрагимизда фахру ифтихор уйғотди. Мана шундай тинч ва осойишта мамлакатнинг бахтиёр фарзанди эканим, ўз иқтидоримни намойиш этиш учун барча имкониятларнинг мавжудлиги менга қанот бағишлайди. 18х30 метр ҳажмда бунёд этилган залда замонавий спорт жиҳозларининг борлиги, залнинг кенг ва ёруғлиги унга кирган кишининг баҳри дилини яйратади.

Ҳа айтганча, юртдошларимизнинг нуфузли спорт мусобақаси — ёзги Олимпиадада қўлга киритган оламшумул муваффақиятлари кўплаб тенгдошларим қатори менга ҳам чексиз ғайрат бағишламоқда. Ҳадемай бошланажак янги ўқув мавсумида мактабимизда бунёд этилган ушбу янги спорт залида стол тенниси, гимнастика билан шуғулланишни кўнглимга тугиб қўйдим.

**Гўзалхон МЕЛИЕВА**

# Соҳибанинг муваффақиятлари

***Ўзбекистон ёшлари бошқа соҳалар сингари спортда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини бутун дунёга исботлаб келаётир.***

Навқирон авлод вакилларининг мунтазам спорт билан машғул бўлиши, жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб вояга етиши учун таълим муассасаларида кўплаб спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Унда тарбияланаётган ўғил-қизлар турли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётир. Хоразм вилояти Хонқа туманидаги педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси Соҳиба Қозоқова ҳам каратэ билан шуғулланиб, аста-секин шоҳсупанинг юқори поғоналарини банд этиб келаяпти. 1998 йили таваллуд топган Соҳиба Хонқа туманидаги 36-умумтаълим мактабини тамомлаб, таҳсилни коллежда давом эттирди. Қизнинг спортга бўлган иштиёқини пайқаган Онажон опа 10 ёшли Соҳибани Баҳодир Сариев раҳбарлик қилаётган спорт тўгарига етаклаб борди. Табиатан тиришқоқ ва ҳаракатчан Соҳиба машғулотларга жуда тез киришиб кетди. У шу кунга қадар каратэ бўйича ёшлар, ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган турнирларда фаол қатнашиб, икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Соҳиба Қозоқова қўлга киритган муваффақиятлари, ҳаракатчанлиги, фаоллиги инобатга олиниб, унга спорт устаси даражаси берилди.

Яқинда Нукус шаҳрида Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган каратэ-до беллашувида ғолибликни қўлга киритган ёш спортчи халқаро беллашувларга тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, Соҳиба фақат спорт билан машғул бўлибгина қолмай, умумтаълим фанлари, тасвирий ва амалий санъатда ҳам ўз иқтидорини намойиш этмоқда.

Юртимиз имкониятлар мамлакати. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётган иқтидорли ёшлар қандай буюк зотларнинг авлоди эканини ҳис этган ҳолда ўз муваффақиятлари билан Ўзбекистонимиз шону шавкатини оширишга, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

**П.ҚОЗОҚОВА,**
**Хонқа педагогика ва спорт коллежи «Педагогика ва психология» кафедраси мудири**



***Бухоро вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги гимнастикага ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида барча замонавий шароитлар яратилган.***

Бу ерда 200 дан зиёд қиз нафис спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Муассаса тиббиёт ходимлари тарбияланувчилар саломатлигига доимий эътибор қаратиб, ота-оналар иштирокида соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбатлар олиб бормоқда.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)** олган сурат.

# Ижтимоий ҳимоя – давлатимиз эътиборида

***Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги «Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси — давлатимиз эътиборида» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.***

Унда вазирлик масъул вакиллари, ҳарбий прокуратура ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини турар жой билан таъминлаш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилгани, юртнинг мард ва жасур фарзандлари турмуш тарзини янада яхшилашга эришилгани таъкидланди. Жумладан, 2007–2015 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ, 6 мингга яқин ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланди. 2016—2025 йилларга мўлжалланган давлат дастурида эса ҳар йили 900 дан зиёд ҳарбий хизматчи ана шундай қувончга мушарраф бўлиши режалаштирилган.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан барча ҳарбий округларда, гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун 350 хонадондан иборат 9та кўпқаватли уй қурилиши, турар жой ва даволаш муассасалари, ётоқхоналар, лаборатория ва ўқув хоналари капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

**Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!**

*Муҳтарам юртдошлар!*

*Барчангизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этамиз!*









*Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлинг.*

**Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42**
**www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.**




**Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.**



**Ma'rifat**

*TA'SIS ETUVCHILAR:*
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-824. Tiraji 35610. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Timur KAYSAROV, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir: Xayrullo ABDURAHMONOV.
Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 21.00 Topshirildi — 22.00

1 2 3 5 6